

Халқ таълими вазирлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ташкил этган «Президент асарларининг билимдон» танлови якунланди. Танлов ёшлар онгига ватанпарварлик, юрта садоқат ғояларини синдириш, ўқувчиларга «Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари» фанини чуқурроқ ўзлаштиришда кўмаклашиш мақсадида ўтказилди.



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 25 декабр, сешанба № 201 (1214)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» - КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Юртимизда Янги йил арафасида «Президент арчаси»ни ўтказиш яхши анъанага айланган. Болалар ҳар доимгидек бу йил ҳам ана шу қувончи байрамни интиқлик билан кутмоқда. Мазкур тадбир, асосан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-саховатининг яна бир ифодасидир.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳар бир тадбирнинг мазмун-моҳияти инсон манфаатларига қаратилган, дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, «Президент арчаси»ни ўтказиш иши гуруҳи раҳбари Ш.Жалилов. Бу борада «Президент арчаси»нинг ёш авлод учун улкан аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ лозим. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган бу байрам шодиёнасининг алоҳида файзи ва шуқуҳи бор. Бу Президентимизнинг ёш авлодга бўлган меҳр-оқибатининг, мурувватга муҳтож болаларга кўрсатилаётган саховатининг ёрқин ифодасидир.

«Президент арчаси» бу йил ўнинчи марта ўтказилмоқда. Унинг ёши ҳам юртимиз мустақиллиги билан деярли тенг. Бунда жуда катта маъно бор. Албатта, фақат истиқлолгина бизга ана шундай имкониятни яратди. Аввало, ушбу тадбирда қатнашган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва тарбиячиларининг сўзларига бир кулоқ титиб кўринг. Улар шу тадбир орқали озод юртимизда эмин-эркин, қудратли таянч - мамлакатимиз Президентини ардоғида, ҳимоясида яшаётганликларидан қувониб, фахрланиб гапиришади. Бу сафарги байрам Ватанимиз мустақиллиги 10 йиллиги тантаналарининг давоми сифатида

бўлиб ўтади. Болаларга тайёрланаётган соғина-салом, ранг-баранг ширинликлару чиройли ўйинчоқларнинг, томошанинг ҳар йилгидан ҳам кўра яхшироқ бўлиши табиий.

Тадбир 29 декабр куни Ўзбек Миллий академик драма театрида бошланиб, республикамизнинг бошқа шаҳарларида давом этади. Айни кунларда жойларда ўтажак тадбирга пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Янги йил байрами кунлари мамлакатимизнинг энг мухташам қошоналари болаларнинг ихтиёрида бўлади. Ишончим комилки, фарзандларимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрликлардан қувончга тўлган ҳажжи қалблари Юртбошимизга, халқимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва фахр-туғули билан ҳам лим-мо-лим бўлади.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА МУХБИРИ

Бугунги кунда Шаҳрисабздаги «Садо» ҳиссадорлик жамияти жамоаси тайёрлаётган трикотаж буюмларига талаб катта бўлмоқда. Шу боис жамият ишчилари янада харидорлар ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратдилар. Айни дамда бу ерда тўқув, бўёқ, бичиш ва тикиш цехларида 320 га яқин ишчи меҳнат қилаёттир.

Корхонада барча ёшдагилар учун трикотаж кийимлари тикилади. Тайёр маҳсулотлар эса ички бозорларга жўнатишмоқда.

Суратда: тикувчи Замира Расулова. Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.



ОНГЛИ ИНТИЗОМ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

«Булқоқбоши ипаги» акциядорлик жамияти ўзининг ипақ ҳамда ип маҳсулотларини Жанубий Корея, Эрон, Саудия Арабистони ва Хиндистон мамлакатларига экспортга чиқармоқда. Пиллани қайта ишлайдиган корхонани келгусидаги ривожини кўзлаган ҳолда ишлаб топилган маблағ эвазига Жанубий Кореядан 1,375 миллион АКШ доллари миқдорда замонавий ускуналар сотиб олинди.

Чел эл ускуналарини ва замонавий ишлаб чиқариш линияларини ўрнатилиши ҳамда ишга туширилиши, маҳсулот ишлаб чиқариши сезилари даражада оширади, - деди акциядорлик жамияти раиси Собирхўжа Таваккилов «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Шу йилнинг 11 ойи ичда корхона жамоаси қарийб 115 тонна юқори сифатли ипақ ҳамда шёлени ишлаб чиқарди ҳамда 1 миллион 100 минг сўм фойда қилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда 400 минг сўмга кўпдир.

КОНТЕЙНЕРЛИ ПОЕЗД ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг ташаббуси билан Сирдарё вилоятидаги «Оқолтин» бекатидан Тошкент-Техрон-Истанбул йўналиши бўйича халқ хўжалиги маҳсулотлари ортлган илк кўргазмали контейнер-поезд йўлга чиқди.

Мазкур темирйўл йўналишининг очилиши мамлакатимиз, шунингдек, қўшни давлатларнинг ишбилармон ва тадбиркорларига Европа денгиз бандаргоҳларига ўз юкларини олиб чиқиш ҳамда олиб киришлари учун имконият яратди.

Трансоевросий темирйўл магистралига кирувчи ушбу йўналишдан фойдаланиш тўғрисидаги масала шу йил 3-5 сентябр кунлари Туркиянинг Ван шаҳрида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти - ЭКО махсус ишчи гуруҳининг учинчи кенгашида кўриб чиқилган эди. Бу йўналишда поездлар қатновининг йўлга қўйилишидан асосий мақсад, миқозларга Хитойдан Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига элтувчи арзон, қисқа ҳамда қулай йўллари очилган иборат.

Пахта толаси ортлган 52 та контейнердан иборат илк поезд бундан бир йил олдин Тошкент - Бандараббос йўналиши бўйича йўлга чиққан эди, - дейди «Ўзтемирйўлконтейнер» шўъба корхонаси бошлигининг ўринбосари А.Маннопов. - Ҳозирги кунга эса денгиз йўллари пахта толаси, калава, тўқимачилик sanoати маҳсулотлари ортлган 28 та контейнер поезди жўнатилади. (ЎЗА).

САЙРАМИЗ САДОСИ

ДОНОР МАМЛАКАТЛАР АНЖУМАНИ

Ўтган ҳафта охирида Бельгия пойтахти Брюсселда донор мамлакатлар вакиллари Афғонистон иқтисодиётини тиклаш масалаларига бағишлаб анжуман ўтказдилар. Зотан, айти пайтда мазкур муаммо энг долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу анжуман Овруппо Иттифоқи, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилди.

БАЁНОТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида Жанубий-шарқий Овруподаги ўн мамлакат мудофаа ва зирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунида террорчиликка қарши курашга доир махсус баёнот қабул қилинди.

Тадбирда халқаро террорчилик ва оммавий қирғин қуролилари тарқалишига қарши кураш, минтақавий хавфсизлик муаммолари, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қатор бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

Қобул шаҳрида Афғонистон янги ҳукумати биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай бошқарди. Йиғинда мамлакатда тинчликни тезроқ қарор топтириш, турли элатлар ўртасида тотувликни вужудга келтириш, иқтисодий ва ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор бериш хусусида гап борди.

ТОВОН ПУЛИ ТЎЛНАДИ

АҚШ ҳукумати 11 сентябрда юз берган кўпуровчилик ҳаракатлари натижасида қурбон бўлганларнинг қариндош-уруғларига товлон пули тўлаш дастурини эълон қилди. Дастурга биноан ҳар бир жабрланган оила ўртача 1,6 миллион доллар олиши керак. Ёрдам пулининг миқдори жабрланган оиланинг катта-кичиклиги, ўртача даромади, аъзоларининг ёшига қараб белгиланади.

БУДДАНИНГ ЭНГ КАТТА ҲАЙКАЛИ

Маълумки, Афғонистоннинг Бамиан минтақасидаги Будданинг дунёдаги энг катта ҳайкали бир неча ой муқаддам толибонлар томонидан вайрон этилган эди. Эндиликда, Хиндистон ҳукумати Катилатов шаҳрига яқин жойда Будданинг янги, энг катта ҳайкалинини қуришга қарор қилди. Унинг бўйи 54 метр бўлади, деб тахмин қилинмоқда.

ГРЭС ПОРТЛАДИ

Куни кеча Тбилисдаги энг катта нур манбаи — Тбилиси ГРЭСи дафъатан портлаб кетди. Натижада, мамлакатнинг жуда кўп шаҳарлари электр қувватисиз қолди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирларга қарамай, мазкур тизилманинг яқин кунларгача тўлиқ ишга тушмаслиги мумкин. Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе ҳукуматнинг фавқулодда мажлисини чақирди. Ҳозирча портлаш ГРЭСдаги носозликдан чиққан деб ҳисобланмоқда. Лекин, базиллар террорчилик хуружини ҳам истисно қилмаёттирлар. Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Газетаимизнинг шу йил 8 август сонидан эълон қилинган «Бекинмачок ўйини» сирин сарлавҳали мақолада Дўстлик туман меҳнат бўлими томонидан жамоат ишларига жалб этилган баъзи фуқаролар турли сабабларга қўра икки ойдан конуний иш ҳақларини ололмаётганликлари ва шу сингари бошқа камчиликлар қаламга олинган эди.

Тахририятимиз шу мақола юзасидан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

Мақолада кўрсатиб ўтилган далиллар тўғриси. Буни туман ҳокимлигида қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллар кенгаши раислари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилиш ахли ҳам эътироф этди.

Муҳокама чоғида «Халқ банки» туман бўлими бошқарувчиси Н.Кенжабеков ва туман аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофазалаш бўлими бошлиғи С.Ашуровга йўл қўйилган камчиликлар учун тегишли чора кўрилди. Иш ҳақидан қарздорликка ва мақолада тилга олинган бошқа камчиликларга тўла барҳам берилди. Шунингдек, туман ҳокимлиги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

С.ИСМОИЛОВ, Дўстлик тумани ҳокими.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ Оқолтин тумани «Нуроний» жамғармаси қошида беш нафар кишидан иборат назорат-кенгаш жамоат комиссияси тuzилган. Айни пайтда маҳаллаларда унинг 17 та филиали ишлаб турибди. Улар жамғарма маблағларининг ўз вақтида келиб тушиши, давлат томонидан кафолатланган пенсия ва нафақа тўловларини белгиланган муддатларда ўз эгаларига етиб боришини назорат йўли билан таъминлашга даъват этилганлар.

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ФАРЗ

Жамғарма ташаббуси билан барпо этилган «Отлар чойхонаси», ун тегирмонлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаноклари ҳамда фахрийлар учун бепул саргароҳоналарнинг беминнат ва малакали хизматидан кўпчилик мамнун. Жорий йилнинг ўзида ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғизларга 200 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилган жамғарма (раиси Эдгор Тўлибев) ва унинг бўйинлари ички имкониятлардан қандай фойдаланаётганидан далолат беради.

Юқоридагилардан «Жамғарма фаоллари чакки ишлашмаётган экан-да» деган тасаввур ҳосил қиласиз. Аслида ҳам шундай. Бирок, улар билан бир пиёла чой устида суҳбатлар, баҳс-мунозаралардан жамғармага боғлиқ бўлмаган камчилик ва нуқсонлар гўё бир ҳовуч хасдек сув юзига қалқиб чиққанини пайқаб қоласиз. Чой қанди билан, гап исботи билан яхши деганларидек, куйидаги мисолларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Туман ҳокимлиги томонидан жамғарма ихтиёрига енгил автомашина ажратилган. Бундан кўзланган мақсад — у қарийб 4,5 минг

Долзарб мавзу

пенсияердан 34 нафар уруш қатнашчиси ва ўзгалар мададага муҳтож 76 нафар кексаннинг ҳолидан доимий хабар олиб туришга хизмат қилиши керак эди: Афсуски, жамғарманинг собиқ раиси Жақилиқ Бойжонова ўз шахсий манфаатини ўйлаб, машинани хусусийлаштириб

бўлса?! Нима бўлгандаём, енгил автомашина ва гарнитураларни жойига қайтараман, деб югуриб-ёлган Е.Тўлибевнинг уринишлари зое кетди.

Пенсионер Пулат Раҳмоновнинг галига қараганда «почта-чиплар пул» тарқатишнинг янгича усулини ўйлаб топишибди. Яъни, пенсия пулига соғун, гугурт ва лайпоқ қўшиб беришгаётган экан. Масалан, ноябр ойи пенсиясига 2 та лайпоқ бериб, ундан нақд 500 сўм олишибди.

Пенсионер Холмат ота Маматқуловнинг айтишича, қариялар хашар йўли билан 3 йил ичда битта чойхона қуришган экан. У ерда улар бир пиёла чой устида суҳбат қуришар, янгиликлардан хабардор бўлишаркан. Афсуски, «кимди» уни хусусийлаштириб сотиб юборибди. Ажаб, ҳамма жойда кексаларга иззат-ҳурмат билан чойхоналарни бепул қуриб беришас-ю, мазкур ҳўжаликда бунинг акси бўлса?!

(Давоми 2-бетда)

«Ишонч» фош этади

қилсангиз бўлмайдими? — Хизматдан қочиш йўқ. Марҳамат айтинг. Шунда фермер суҳбатдошининг тақлифини эшитиб, ҳангу

СУНЬИЙ ТЎСИК

фермерга моддий ва маънавий зарар етказди

қиламиз, - дея хайратланди фермер. Шунда ҳоким ўринбосари маълуми томоқ қилиб, деди: — Ҳужжатларни ташлаб кетаярдинг, ўзимиз бафуржа ҳал қиламиз. Орадан кунлар, ҳафталар ўтди. Ҳокимликдан хабар бўлавермади. Бу орада тадбиркор мутасаддиларга неча бор учрашди. Ҳар гал улар ваъда беришдан нарига ўтишмасди. Буни қарангки, Маҳмуджон ака билан тенг арижами 72 гектар ер ажратиш ҳақида ширкат ҳўжалигининг қарори чиқди. Энди ҳамма гап туман ҳокимлиги томонидан ушбу қарорни тасдиқлашда қолганди. Оқсоқол катта умидлар билан ҳокимликка йўл олди. Уни илиқ

манг бўлиб қолди. Сабаби, у «қуки»дан олиб келишни сўраганди. Шундагина оқсоқол ўзи билан ёнма-ён фаолият юритаётган «Бойдада» фермер ҳўжалиги раҳбар ҳокимиятдагилар учун уяли телефон сотиб олиб бериб, ниҳоят ерга эга бўлганлиги ҳақида қуноиб гапирганлигини тушунгандай бўлди. Маҳмуджон Имомовнинг ер бериш тўғрисидаги аризаси 2000 йилнинг 29 сентябрида жамоа ҳўжалигига келиб тушган ва қарор чиқарилган. Бирок, 2001 йилнинг февралига ҳам унга туман ҳокими С.Азимовнинг «табаррук» имзоси тушмади. Бу орада экин-тикин ишлари бошланиб кетди. Бундан таъшишга тушган мулкдор вилоят адлия

бошқармасига бош уриб боришга мажбур бўлди. Шундан кейингина фермерга унинг аризаси ширкат ҳўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, тасдиқланмаганлигини маълум қилишди. — Ажаб! - Ёқа ушлади оқсоқол. - Наҳотки, шу бир оғиз гапни айтиш учун олти ой керак бўлди.

Шу тариқа ярим йил туман ҳокими столида чанг босиб ётган ариза ширкат ҳўжалиги бошқаруви ихтиёрига қайтарилди. Табиийки, умумий йиғилиш қарори аризани тасдиқлади. Фермернинг аризаси яна туман ҳокимиятига қайтарилиб, тасдиқлашга тасвია этилди. Сарсон-саргардонлик, адолатсизликлардан безган фермер Учқўрғон туманлараро фуқаролик судига мурожаат этди. Қонуннинг қучига қойил, фермер судлашишга жазм қилганидан хабар толган туман ҳокими С.Азимов шошилинч равишда тегишли қарорни имзо чекиб тасдиқлади. (Давоми 2-бетда)

Меҳнат муҳофазаси

ҲАР БИР ИШЛОВЧИГА

хавфсиз иш шароити

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофазат қилиш тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилганидек, касаб уюшмалари давлат ва ҳўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнатни муҳофазат қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар, унинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадидлар.

Вилоятимиз ёқилги-энергетика захираларига бой, иқтисоди таракқий этаётган ҳудудлардан биридир. Кенгаш ва унинг бошланғич ташкилотлари фуқаролар меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланганлар, касб касалликларининг олдини олиш бўйича бир мунча ишларни амалга оширди. Мамлакатимизнинг тегишли қонунлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сыхат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Тасарруфимиздаги корхоналарда 31 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари йиғилишларида иш бевуқилар томонидан соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортнинг йўлга қўйилиши каби масалалар кўриб чиқилиб, муаммоларни бартараф этиш тадбирлари белгиланмоқда.

Вилоятда «Мактаблар кўни» жорий этилиши муносабати билан илм масканларининг моддий техника негизини мустақамлаш, дарсликлар ва кўргазмалар куруллар харид қилиш учун 22 миллион сўмдан ортик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Маълумки, ходимларни, уларнинг фарзандларини, хотин-қизларни соғломлаштириш устувор вазифалардан биридир. Шу боис йил давомида соғломлаштириш ишларига 42 миллион 120 минг сўмлик маблағ

сарфланди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ «Нефтьгазурилиштамир» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Жўйи-Зар» сыхатгоҳида 151 нафар Оролбўйи аёллари, кенгаш тасарруфидаги оромгоҳларда эса 150 нафар ўйил-қиз саломатликларини тиклади. Бунинг учун 40 миллион 770 минг сўм харажат қилинди. Оналик ва болаликни муҳофазат қилиш, уларни ҳаётга, оила қуришга тайёрлаш, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий савияларини ошириш борасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухорогаз-саноатқурилиш» «Геофизика» ҳиссадорлик жамиятлари касаб уюшма кўмиталарининг фаолияти ибратлидир. Биргина Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бундай мақсадлар учун 6 миллион, «Нефтьгазурилиштамир» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти 3,8 миллион сўм маблағ ажратди.

Кенгаш ҳомийлигида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 80 минг сўмлик ўқув қуруллар олиб берилди. Гиждувон туманидаги 1-мактабга 50 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 10 нафар болага соғлигини тиклаш учун имтиёзли йўлланма берилди.

«Ўзбекнефтьгазурилиштамир» ҳиссадорлик жамияти Қоровулбозорда жойлашган 5-мактабнинг кам таъминланган оилалари фарзандларига 86 минг сўмлик кийим-кечаклар олиб берди ва ҳар бир оиллага энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.

Бухоро геофизика экспедицияси, «Бухоронейфтьгазурилиштамир», «Ўзпаравто-нақл», «Бухороэнергомарказ» ҳиссадорлик жамиятлари касаб уюшмалари мактабларни таъмирлаш, ўқув қурулларини билан жиҳозлаш юмушларида ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.


лар. Бу ташкилотларда фарзандлари икки ёшдан уч ёшгача бўлган аёлларга қўшимча нафақа тўлаш, кўп болали оналарга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини бир соатга қисқартириш жорий этилган.

Меҳнат шароитлари хавфсизлигини ва соғломлаштиришни таъминлаш мақсадида иш бевуқилар ва касаб уюшма кўмиталари билан ҳамкорликда эскирган, яроқсиз ҳолга келиб қолган асбоб-ускуналарни алмаштириш, оғир ва кўл меҳнати билан бажарилган юмушларни механизациялаш, электр қурилмаларининг ёрғуланган қисмларини профилактик синовдан ўтказиш, ҳавонини тозалаш тизимлари самарадорлигини ошириш, санитария, маиший, гигиена шароитларини яхшилаш, уларни шахсий ҳимоя воситалари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш ишларига 200 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди.

Республика ва вилоят миқёсида «Меҳнат шароитлари аҳоли устидан энг яхши жамоатчилик назоратини ўрнатиш» кўрик-танловига фаол иштирок этишга ташриқ қилинган корхона ва ташкилотлар беш ҳисобчилик, меҳнатни муҳофазатлаш муҳандислари, иқтисодий ходимлари иштирокида «Ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришда жамоа шартномаларининг аҳамияти», «Аёллар ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда касаб уюшмаларининг ўрни» мавзюда семинар-кенгашлар ўтказилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Амалга оширилаётган тадбирлар туфайли корхоналарда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя муҳофазасини яхшилашда ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Бахтиёр ЭРГАШЕВ,
Бухоро вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё санаети ходимлари касаб уюшма кўмиталари кенгаш раиси.



Айни кунларда «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари 260 турга етди. Корхона маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Туркия, Венгрия, Беларус каби 20 дан зиёд давлатларга экспорт қилинмоқда. Айниқса, корхонанинг моҳир тўқувчилари кўлидан чиққан бежирим маҳсулотлар хорижий харидорларнинг эътиборига сазовор бўлаётир. «Навоийазот»нинг газлама толарлари ва йиғирилган иплар тезликда ўзларининг харидорларини топиб олаётир.

Суратларда: корхона ишлаб чиқариш бирлашмаси ип йиғирувчиси Мирзахон Адизова (чапда); ўз касбининг устаси Дилором Эшмуродова. Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олга суратлар.

Нукусда «Туркистон» деб номланган ёшлар маркази иш бошлади.

«ТУРКИСТОН» МАРКАЗИДА

Шу муносабат билан ўтказилган тантанавий Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Т.Қамолов иштирок этиб, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар, бугун ҳаётга кириб келаётган янгича фикрли ёш авлоднинг ижтимоий ҳаётда эгаллаётган фаол ўрни, бу борадаги вазифалар хусусида гапирди.

Марказда ёшларнинг мулоқот, баҳс-мунозаралар клуби, шунингдек ресторан ва интернет-кафе фаолият кўрсатади. (ЎЗА).

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ФАРЗ

(Боши 1-бетда)

Яна бир муаммо — туманда «Фахрийлар дўкони» йўқлигидир. Уни ташкил этиш учун нахотки юқоридан кўрсатма шарт бўлса. Ҳеч бўлмаганда 34 нафар уруш фахрийси ва 76 нафар ёлғиз қария учун арзон нархда 9 хил маҳсулот сотилиши йўлга қўйилса, катта савобга шерик бўлиларди. Очиги вилоят бўйича фақатгина Гулистон шаҳри ва Янгиер туманида фахрийлар дўкони бор, холос.

«Нуроний» жамғармасига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш бўйича туман ҳокимининг 1999 йил 11 сентябрдаги 296-сонли қарори билан 96 та ташкилот, корхона ва муассаса бирктиби қўйилган ҳамда уларнинг ҳар бири йил давомида 10 мингдан 50 минг сўмгача маблағ ўтказиши керак эди. Афсуски, ёрдам бера-

дан «Шарбат»га 75 минг сўм қарз берилган эди. У ҳозиргача ҳам қайтарилмаган. Корхона раҳбари Абдурайим Сиддиқов доимо ўзини пананага олиб қолади. Раис ҳақ гапни айтди. Бугунги кунгача жамғарма фаолларининг сайёҳаракати билан бор-йўғи 746 минг сўм маблағ тушган, холос. Бунинг 20 фоизи вилоят жамғармасига ўтказилса, 15 фоизи қарияларга моддий ёрдам сифатида берилди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «Биз бугунги мамолимизда, ҳаёт йўллариди эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримизнинг, муътабар қарияларимизнинг бекиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгили, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим» деган сўзларини эслатиб ўтиш айти мудоаодир.

Абдунаб МАННОПОВ,
Ортиқ САИДОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАРГА БОШ-ҚОШ

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тизимини янада такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу боис ҳам маҳаллаларда ҳаётимиздаги мавқе ва нуфузини ошириш давр талабидир. Бу борада Чортоқ туман оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Туманда 9 та қишлоқ, 53 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, мазкур ҳудудда 142864 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг деярли ярмини волағ етмаганлар ташкил этади. Маҳаллаларда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Ватанга содиқ меҳнатсевар этиб тарбиялаш мақсадида давра суҳбатлари, турли қизиқарли ўрашувлар ўтказилмоқда.

Маҳалла —

маънавият бешиги

Ёшларни жисмонан чиқариш мақсадида туман спорт кўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда «Футболимиз келажаги» деб номланган мусобақа ўтказди. Фолиблики қўлга киритган жамоалар вилоят босқичида 9-11 ёшли болалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада 3-, 12-14 ёшлилар ўртасида ўтказилган беллашувада 2-ўринни эгаллашди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳаллаларда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш аънаъга айланган. «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан турли байрам ва тадбирларда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 3 миллион сўмлик совға-саломлар тарқатилди. Шунингдек, ногирон болалардан 10 нафарига маҳсул аравача берилди. Бундай савобли ишга ўз ҳиссасини қўшибатган саховатпешалардан Мингбулоқ нефть корхонаси, «Пешқўрғон», «Фарғона», «Мустақилликнинг беш йиллиги» ширкат хўжаликлари, Алихон фуқаролар йиғини, Чортоқ шахридаги «Бўлон», «Ором», «Бешкапа» маҳаллаларини намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Оилаларнинг жамиятимиздаги мавқени янада ошириш ҳозирги кун талабидир, — дейди туман оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Хосиятхон Шарифбоева. — Шу боис ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини ўрганишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Албатта бизда ҳам муаммолар йўқ эмас. Уларни бартараф этиш учун маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилаётир. Энг асосийси, мамлакатимизда оғузда ҳаётнинг қадрига етишимиз, ҳамиша ҳушёр ва оғоҳ бўлишимиз керак. Фидойи меҳнат билан тинчликни, мустақиллигимизни мустақамлашга муносиб улш қўшиб ҳар бир фуқаронинг мукддас бурчидир.

Эркин ТУЛАГАНОВ,
меҳнат фахрийси.

ТАДБИРКОРЛАР ЯРМАРКАСИ

Республика товар қомаш биржаси мажмуида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда яратилган кичик технология ва ускуналар, шунингдек, тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси ташкил этилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини моддий-техника захиралари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирни Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзбек ярмаркаси» қўшма корхонаси, Товар қомаш биржаси уюштирди. Унда эллиқдан ортик корхона истиқболли ишлаб чиқариш технологиялари, енги санаят, халқ истеъмоли моллари, турли хизматлар, янги инвестиция лойиҳалари ва халқ хўнарамандлиги маҳсулотлари билан қатнашди.

Шунингдек, кўргазмада янги ахборот технологиялари, ускуна ва дастгоҳлар, маҳаллий қомашдан ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ҳам намойиш этилди, истеъмолчилар билан 50 дан зиёд шартнома имзоланди. (ЎЗА).

Андижонда Халқ таълими вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. У Халқ таълими вазирлиги ва ЮНЕСКОнинг бош минтақавий бюроси томонидан ташкил этилган жамоатчилик таълим марказлари фаолиятининг таҳлилига бағишланди.

ЮНЕСКО СЕМИНАРИ

Семинар иштирокчилари ЮНЕСКОнинг мактаблар уюшмаси (ASP) таркибига кирувчи Избоскан туманидаги 12-ўрта мактабда бўлди. БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича бу дастури 1953 йилда яратилган эди. Ҳозирги пайтда дунёнинг 165 давлатидан 6500 тадан ортик мактаб унинг аъзосидир. Мазкур мактаб уюшманинг аъзосига айланган, ЮНЕСКО томонидан тақдим этилган ўқув материаллари ва маълумотлардан фойдаланмоқда. Яқинда мактабга ўқув жараёнида ишлатиш учун 4 та компьютер ва видеомагнитофон ҳада этилди. (ЎЗА).

СУНЬИЙ ТЎСИҚ

Бироқ устамонлар бўғини ҳам тўғрилаб қўйишган экан. Ҳокимнинг имзосидан кейин ҳам «Ғайрат» хўжалиги бошқаруви раиси О.Носиров тегишли ер майдонни ажратишни пайсалга солди. Фақат 2001 йилнинг 16 мартдагина мулкдорлар орузи рўёбга чиқди. Бахтга қарши, қимматли вақт бой берилганди. Боз устига, туман машина-трактор парки экин майдонларини ҳайдаб беришга асоссиз равишда орқага суларверди. Ер фақат апрел ойининг бошларида тайёр бўлди. Ҳолбуки, бу пайтда бошқа фермерларнинг плёнка остида парвариланаётган гўзалари бар-

Барнохон опа туман агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшма кўмитасига раис этиб сайланган. Кўп ўтмай моҳир ташкилотчи, ўз ишининг билимдони сифатида кўпчилик назарига тушди.

Биз у бош бўлган ибратли ишлар билан танидик. Бешариқ туман тармок кўмитаси томонидан ўтган икки йил давомида қатор тадбирлар амалга оширилибди. Жумладан, йил бошида катта оилавий тадбирлар ташкил этилиб, унга бошланғич касаб уюшма кўмиталари раислари, ҳисобчилари, уларнинг оилалари ва фахрийлар тақлиф этилди. «Балли, раислар» кўрик-танловига эса голиб чиққан касаб уюшма кўмитаси раислари рағбатлантирилди. Илғор меҳнат жамоалари, кекса бободехқонлар, соҳа фахрийлари бир пиёла чой баҳона йўқлиниб, эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

Туманда маданий-маърифий ишларни жонлантириш, байрам тадбирлари, тўй-маросимларда беминнат хизмат кўрсатиш мақсадида тармок касаб уюшма кўмитаси қошида «Ишонч» дастаси ташкил этилган. Бундай

тадбирлар барча бошланғич касаб уюшма кўмиталарида ўтказилиб, уларда бадий

БЕШАРИҚДА ШУНДАЙ АЁЛ БОР

ҳаваскорлар чиқишлари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилди ва голибларга қимматбахо эсдалик совғалари топширилди. Байрамларда қатнаша олмаган ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди, уларга 515000 сўмлик озик-овқат, кундалик эҳтиёж буюмлари етказиб берилди. Наврўз байрами тадбирлари учун ширкат хўжалиги, корхона ва ташкилотлар томонидан 1,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Бешариқ туман тармок касаб уюшма кўмитасида унинг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда Барнохон Абду-

Касаба уюшма фаоллари

лаева тажрибасини ўрганиш мақсадида вилоят семинари бўлиб ўтди. Унда туманлар ва шаҳарлар касаб уюшма кўмиталари фаоллари таш-

риф буюришиб, олиб борилаётган ишларга юқори баҳо беришди. Опанинг сайёҳаракатлари билан яқинда касаб уюшма қошида «Ҳимоя» кичик корхонаси иш бошлади. Корхонанинг вазифаси вилоят АСМ ходимлари касаб уюшма кўмитасига қарашли сыхатгоҳлар, оромгоҳлар, дам олиш уйлари ҳамда аҳолининг истеъмол молларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Корхона тўқувчилик билан шуғулланиб, ўз маҳсулотларини сотишни йўлга қўйди. Жамоа 10 нафар ҳимояга муҳтож ногиронни оталиққа ол-

ган. Корхона учун вилоят тармок касаб уюшма кўмитаси томонидан бир йил муддатга қайтарил шarti билан 20 миллион сўм берилди. Қисқа муддатда қарз ҳам қайтарилди.

Туман хотин-қизлар спартакиадаси ажайиб тарзда ўтди. Спартакиада голибларига туман касаб уюшма кўмитасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Тумандаги «Шодлик», «Гунча», «Юлдуз» болалар оромгоҳларида ёзги мавсумда 1400 нафар ўйилқиз дам олди. «Ишонч» дастаси ва «Қаҳқаҳа» ёш актёрлар театри болажонларга мавсум давомида маданий озиқмат кўрсатди.


Қилинган ишлардан амалга оширилиши керак бўлган юмушларимиз кўп, — дейди биз билан суҳбатда касаб уюшма раиси Барнохон опа.

Фаррух РАСУЛОВ,
Шохруҳ ҚОСИМОВ,
ЎЗМУ журналистика факультети фаоллари.


Яқинда туман ҳокими С.Азиев ҳамда ширкат хўжалиги раиси О.Носиров ишда йўл қўйган камчиликларни учун вазифалардан бўшатилдилар. Янги раҳбарлар иш бошлашди. Энди туманда фермерлар йўлига қўйилаётган сунъий тўсиқлар тамоман олиб ташланармикан, улар эмин-эркин ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилармикан, деган савол кўпчиликни қизиқтирмоқда. Ҳар ҳолда одамлар, ноз-неъмат бунёдкорлари янги раҳбарларга ишонишаётир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Қодиржон СОБИРОВ,
«Ишонч»нинг маҳсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ




Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини ва барча фуқароларни яқинлашиб келаётган Янги 2002 йил билан самимий муборакбод этади!




**Жондан азиз
Ватанимиз —
хур
Ўзбекистон
гуллаб-
яшнайверсин!**



**Эзгу мақсад
йўлидаги саъй-
ҳаракатларингиз
ҳамиша бароридан
келсин.**



**Замонавий, барча
шароитларга эга
бўлган шифо
масканларимиз
йилнинг пурти
ҳисобида Сизга
мухтабир!**





Фатхулло Холиқовни нафақат Бухоро, балки республикамизда ҳам яхши билишди, тажрибали мураббий сифатида ҳурмат қилишди. У катта спорт майдонига Акобир Курбонов, Рауф Болтаев, Шухрат Очилов, Ҳасан Мавлонов каби чемпионлари етказиб берган. Яқинда Фатхулло Холиқов Францияда бўлиб ўтган самбо бўйича фахрийлар ўртасидаги жаҳон биринчилигидан совриндор бўлиб қайтди.

Ч.ОЛИМОВ олган сурат.

16-21 декабр кунлари Жиззахдаги Олимпия захиралари коллежининг замонавий спорт мажмуида бокс бўйича Ўзбекистон Республикасининг X юбилей чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан олимпияда, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари иштирок этдилар.

Олти кун давом этган беллашувларда 48, 51, 54, 57, 60, 63,5, 67, 71, 75, 81, 91 ҳамда 91 килограммдан юқори вазндаги боксчилар ўзаро беллашдилар.

Ишқибузлар билан доимо тўлиб турган коллеж спорт мажмуи айниқса, чемпионатнинг олтин, кумуш, бронза медаллари учун бўлган чорак финал ва финал беллашувларида янада гавжумлашди. Томошабинлар орасида Жиззах шаҳридаги 3-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Хушбахт исмли болакай ҳам бор эди.

— Мен, — дейди у, — боксга жуда қизиқман. Бўш пайтларимда бокс мактабига қатнайман. Чемпионат мусобақаларининг икки бор Чирчиқ ҳамда Ангрен шаҳарларида ўтказилганидан хабарим бор. Шундай нуфузли мусобақанинг шахримизда ҳам ўтишини жуда-жуда истардим... Орауим — машҳур боксчи бўлиш.

Шу каби эзгу-ниятлар спорт қошонасига мусобақаларни томоша қилиш учун келган аксар ишқибузлар қалбидан ўрин олган эди.

Финал беллашувларида ўн икки тоифа вазндаги боксчилар ўзаро беллашдилар.

48 килограммлик вазнда наманганлик халқаро тоифадаги спорт устаси Т.Дониёров олтин, Тошкент вилоятидан Р.Рустамов кумуш, тошкентлик М.Усмонов, чирчиқлик Б.Қодиров бронза медалини қўлга киритди.

51 килограмм вазн тоифасида фарғоналик Р.Эргашев биринчи, бухоролик Х.Хайриев иккинчи, самарқандлик М.Садриддинзода, фарғоналик Р.Султонов учинчи ўринни эгаллашди.

54 килограммлик вазнда тошкентлик Б.Хи

дилов олтин, андижонлик Т.Туляков кумуш, тошкентлик Т.Абдуллақимов, фарғоналик У.Бўрибоев бронза медалига сазовор бўлишди.

57 килограммлик вазнда жижзахлик Ж.Сувонқулов биринчи, пойтахт вилоятилик А.Раҳимов

И.Ортиқов, Тошкент вилоятидан К.Ибейсонов бронза медалига сазовор бўлишди.

81 килограмм вазн тоифасида Тошкент вилоятидан И.Бердиевга биринчи, андижонлик Ф.Аҳмедовга иккинчи, фарғоналик А.Азимовга учинчи ўрин nasib этди.

91 килограммлик вазнда андижонлик С.Михайлов олтин, Тошкент вилоятидан И.Мадбоев кумуш, андижонлик Х.Сатторов, наманганлик Н.А.

Бокс

ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚДИ

Жижзахда бокс бўйича мамлакат X чемпионатига яқун ясалди

зимов бронза медалини қўлга киритишди.

91 килограммдан ор-



тиқ вазнда Тошкент вилоятидан Р.Саидов биринчи, жижзахлик Л.Зокиров иккинчи, қорақалпоғистонлик Е.Қутибоев, навойиллик Г.Қаркяшев учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва совринли ўрин соҳибларига бокс бўйича мамлакатимиз X юбилей чемпионати медал ва дипломлари ҳамда қимматбахро совринлар топширилди. Мукофотларни топширишда Осиё Олимпия Кенгаши вице-президенти Ф.Раҳимов, республика бокс федерацияси вице-президенти А.Каримов, Жижзах вилоят ҳокимининг ўринбосари

ри О.Жавлонов иштирок этди.

Мусобақаларга яқун ясалди. Биз мусобақанинг бориши, унинг ташкилий жиҳати юзасидан фикрларни билиш мақсадида унинг бевосита иштирокчилари ҳамда томошабинларни суҳбатга тортидик:

Жаҳонгир Сувонқулов, бокс бўйича X республика чемпионати ғолиби:

— Финал мусобақаларида иштирок этиб, олтин медал соҳиби бўлганимдан фахрдаман. Чорак финалда самарқандлик А.Ғоипов билан беллашдим, финал баҳсида ҳам омад кулиб боқди. Муваффақият замирида тинимсиз меҳнат, излашиш, мураббийларим К.Каримов, Ш.Худойбердиевларнинг заҳмати ётибди. Ниятим — жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, ғолиблик наҳидасини суриш.

Собир Ҳақимов, Жижзахдаги ихтисослашган бокс мактаби раҳбари:

— Нуфузли мусобақани ўтказиш учун Олимпия захиралари коллежи танланган жамоамиз, юзлаб ўқувчиларимизни руҳлантириб юборди. Жамоамизда меҳнат қилаётган ўткир Соипов, Лазиз Зокиров, Жаҳонгир Сувонқуловларнинг финал баҳсларида иштирок этгани бизнинг катта ютуғимиз. Демак, Жижзахда ҳам боксга эътибор ортомоқда. Вақти келди: айтишим керакки, бунда вилоят бокс федерацияси президенти, Ўзбек-Америка қўшма корхонаси раҳбари Уктам Мингбоевнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

А. АБДУМАННОПОВ.

Бўлғуси чемпионларимиз

Дониёр акасига эргашиб, каратэ секциясига келди-ю, спортнинг бу турига нисбатан юрагида меҳр уйғонди.

ДОНИЁР ХОЛМАТОВ: «ЭНДИГИ МАРРА — ОЛТИН!»

Бунгача у вилоят Ички ишлар бошқармаси қошидаги самбо тўғрисида шугулланар, ҳатто ўз вазни бўйича вилоят ва водий чемпиони бўлишга ҳам улгурган эди. Аммо у шу кунгича Андижон шаҳридаги «Аҳмадшоҳ» каратэ клубига аъзо бўлди. Бош мураббий Одилжон Нурматов унинг сержайрат ва қатъиятчилигини қўриб, мураббий Аҳмаджон Юнусовга тайинлади:

— Шу бола билан алоҳида шугулланинг, яхши спортчи чиқади, назаримда.

Мураббий билиб айтган экан. Дониёр қисқа вақт ичида каратэ сирларини ўзлаштириб олди. Бунда унга тинимсиз машқлар, мураббий маслаҳатлари, машҳур каратэчилар ҳақидаги адабиётлар катта ёрдам берди.

Дониёр Холматов «Олтин водий» турнири ва Марказий Осиё чемпионатида бош соврин эгаси бўлганидан кейин ўз кучи ва маҳоратига ишончи ортиб, янада юқори чўққилар сари интила бошлади. Қуала-Лампурда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қатнашган Дониёр Саудия Арабистонлик ва хитойлик таниқли каратэчилар устидан ғалаба қозониб, малайзиялик спортчигагина ён берди. Ҳакамлар ёш ўзбек йигитини бронза медал билан сийладилар. Унинг ғалабаси шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилди.

— Эндиги мўлжал — олтин! Францияда халқаро турнир ўтказилиши кутилмоқда, жаҳон чемпионати ҳам яқинлашиб келди. Ҳозир бутун ўй-фикрим аша шунда. Тинимсиз машғулот ўтказаяпман. Орауим — жаҳон чемпиони бўлиш, Ватаним шухратига шухрат қўшиш, — дейди Дониёр.

М.АБДУКАРИМОВ.

Хоккей УЧҚҮРҒОНЛИК ҚИЗЛАР

қитъа мусобақаларида қатнашади

Наманганда спортнинг бошқа турлари қатори чим устида хоккей ҳам ривожланиб бормоқда. Бунга Бухоро шаҳрида ўтказилган мамлакат кубоги мусобақалари яқунлари ҳам исбот этди. Йилнинг сўнгги беллашувида Бухоронинг «Ситора», Самарқанд вилояти олимпия ўринбосарлари спорт мактаби ҳамда олий спорт маҳорати мактаби, Учқўрғон туманининг «Хумо» ва Фарғонанинг «Навбахор» жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Саралаш ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказган «Хумо», «Ситора» ва Самарқанд вилояти олий спорт мактаби жамоалари бош соврин учун курашни давом эттирдилар. Учқўрғонлик қизлар дастлаб бухоролик дугоналарини 1:0 ҳисобида мағлуб этишди. Самарқандлик қизлар ҳам майдон эгалари — «Ситора» жамоаси устидан худди шундай ҳисобда ғалаба қозонишди. Ҳал қилувчи учрашувда эса «Хумо» самарқандлик хоккейчи қизлар устидан ғолиб келиб, кубок соҳиби бўлди.

Мусобақалар якунида «Хумо» хоккейчиларидан Ш.Дадахўжаева, З.Нишонова — «Энг яхши ҳужумчи», Н.Мамажонова — «Энг яхши ҳимоячи», Г.Умарова, Н.Эргашева — «Энг яхши ярим ҳимоячи» деб тан олинди.

Энди «Хумо» жамоаси келаси йили чим устида хоккей бўйича ўтказилган Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги мусобақаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Н.ОБИДОВ.

Эрта тонг. У уйқудан барвақт уйғониб, навбатдаги кун режасини ҳаёдан тузиб олди-да ишонасига отланди. Бугун икки хўжаликда барпо этилаётган уйингоҳлар қурилишидаги хашарчилардан ҳабар олиши, сўнгра вилоят касаб ва ушмалари Кенгаши республика мусобақасида қатнашувчи спортчилар рўйхатини етказиши керак...

Ҳикоя қилмоқчи бўлган кишимиз Ургут туманида қишлоқ спортини ривожлантиришда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган туман касаб ва ушмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари, футбол, миллий кураш, шашка бўйича спорт усталигига номзод, бир неча халқаро турнирлар совриндори Ҳамдам Алиевдир.

Спортга қизиқиш Ҳамдамда жуда эрта уйғонган. Отаси Турсунмурод бобо фарзандини ойна

олти ёшларда эди. Бу меҳр, қизиқиш мактабда ўқиб юрган вақтида ҳам уни тарк этмади.

Шу сабаб бўлдики, Ҳамдам иш фаолиятини тумандаги «Акрамобод» ширкат хўжалигида спорт

лотчилик қобилияти, меҳнатсеварликни пайқанган спорт жамиятининг ўша вақтдаги раҳбари Карим Фуломов жамият спорт йўриқчиси вазифасига ишга тақлиф қилди. Бу ерда ишлаган саккиз йил



йўриқчиси лавозимидан бошлади. Ундаги ташки-

мобайнида Ҳамдам ўзининг чинакам спорт жонқури эканлигини кўрсатди. Шундан сўнг у спортда қандай ютуқларга эришган бўлса, барчасида биринчи устози Карим Фуломовнинг хизмати катта бўлди. Шунингдек, Наим Саидов, Баҳодир Бобомуродов, Маркиел Фозилов, Турсун Аҳмедов, Муродилла Қуйсунов, Ўткир Ҳақбердиев, Баҳриддин Саломов, Бекир Осмоновлар ўғити билан ўз маҳорат ва тажрибасини ошириб борди.

Кейинги ўн йил мобайнида Ҳамдам Алиев касаб ва ушмалари туман жисмоний тарбия ва спорт жамиятини бошқариб келмоқда. Бу даврда туманда қишлоқ спорти, айниқ-

са хотин-қизлар спортига эътибор кучайди. Оммавийликни ошириш, меҳнатқашлар соғлигини мустақамлаш мақсадида турли хил мусобақалар, спартакиадалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб спортнинг тўққиз тури бўйича касаб ва ушмалари спартакиадаси зўр муваффақият билан ўтказилди.

Бундан ташқари, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, миллий кураш бўйича кўплаб турнир ва биринчиликлар ташкил этилди. Ўтказилган мусобақалар вилоят ва республика мусобақаларида ўз самарасини берди. Туман спортчилари вилоят спартакиадасида қатнашиб, республика мусобақаларига йўлланма билан тақдирланди.

Шу йилнинг 26-28 июн кунлари Тошкент вилояти Қибрай туманида ўтказилган агросаноат мажмуи ходимлари республика спартакиадасида ургутликлар шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича биринчи, оилавий жамоалар баҳсида эса бешинчи бўлиб, умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўрин билан қайтишди. Республика тармоқлараро спартакиадасида эса шахмат бўйича Лайло Эрфан биринчи, стол тенниси бўйича Муҳайё Бобоева ва Ноила Оғайлар учинчи,

шашка бўйича Лола Алиева тўртинчи ўринни эгаллади.

Ҳозирги вақтда 8 та стадион, 26 та футбол майдони, 28 та волейбол, 2 та баскетбол ва 2 та қўл тўпи майдончалари туман меҳнатқашлари ихтиёрига бериб қўйилган.

Ҳамдам Алиев оиласини Ургутда спортчилар оиласи деб аташади. У турмуш ўртоғи Мавжуда опа билан беш нафар фарзандини вояга етказмоқда. Тўнғич ўғли Мамуржон ўсмирлар ўртасида Бухоро шаҳрида ўтказилган мусобақада учинчи ўринни эгаллаб, қизи Манзура Сирдарё вилоятида ўтказилган қизлар ўртасида республика биринчилигида учинчи ўринни эгаллаб I разряд талабини бажардилар. Энг қувончлиси, кенжа қизи, эндигина мактаб остонасига қадам қўйган Мунира республика биринчилигида қатнашиб II разряд талабини бажаргани бўлди. Шунингдек, яна бир қизи Машҳура ва ўғли Улуғбеклар ҳам ота изидан боришиб, турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратда: Ҳамдам Алиев (чапда) тумандаги «Самарқанд» ширкат хўжалиги касаб ва ушмалари раиси Юсуф Исмолов билан галдаги вазифалар тўғрисида фикрлашмоқда.

Дўст ачитиб гапирди АҲВОЛ ҚАЧОН ЎНГЛАНДИ?

Фориш туманида 18 та хўжалик мавжуд. Хўш, уларда спортга эътибор қай аҳволда?

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб ва ушма кўмитаси раисининг ўринбосари, соҳага мутасадди Бахтиёр Қувноқовнинг айтишича, кейинги беш йил ичида туман хўжаликларида спорт йўриқчилари шта-ти сезиларли даражада қисқариб кетган. Натижада аксар жойларда оммавий спорт тадбирлари ўтказилмаётган, ташкиллаштирилмаётганлари ҳам қўнғилдагидек эмас.

АСМ ходимлари туман касаб ва ушмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти раёсати иш режасига мувофиқ мини футбол бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Мазкур мусобақада тумандаги 18 та хўжалик вакиллари билан биргаликда ташкилот, қорхона ва муассасалардан ҳам жамоалар иштирок этишлари зарур эди. Лекин бунга қарангки, «Арносай», «Омонгёнди», «Мустақиллик», «Гараша» ва Еримбетов номи хўжалиқлар спортчилари биринчилигида иштирок этишни ўзларига эп билишмади. Шунингдек, волейбол бўйича хотира турнири беллашувларида ҳам санокли жамоалар қатнашди, холос! Баҳона — маблағ йўқлигида бориб тақалди.

Агар фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, туманда йил сайин спорт тадбирлари сонига қараганда бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, ўтган 2000 йили кўплаб хотира турнирлари ўтказилган. Машҳур чўпон Али Курбонов хотирасига бағишланган миллий кураш ва футбол бўйича беллашувлари, спорт устаси Акабой Турдиқулов хотирасига бағишланган волейбол мусобақалари кўпчилигининг ёлдида узоқ вақт сақланиб қолганига шубҳа йўқ. Эндилкида форишликлар бу каби тадбирларни кўмсаб қўлишяпти.

Халқимизда «ҳолва деган билан оғиз чучмайди», деган нақб бор. Бундан бехабар кўплаб хўжалик мутасаддилари ҳали-ҳаном важ-қарсон қидириш билан овора. Ваҳоланки, имконият излаб, фаолият кўрсаттаётган «Фориш», «Меҳнатобод» каби хўжалик раҳбарлари жисмоний тарбия ва спортга эътибори бироз бўлса-да сусайтирганлари йўқ.

Қолган хўжалиқларчи? Нима, улар учун бошқалар бориб, аҳволни ўнглаб берадими? Ҳар ҳолда мутасаддилар «излаган имкон топади», деган нақлни бир эслаб қўйсалар фойдадан холи бўлмасди.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаб ва ушма Марказий кўмитаси ва вилоятлар кўмиталари Марказий кўмитанинг ижтимоий-ҳимоя бўлими мудир Мамлакат АБДУМАЛИКОВАГА ўғли БАХТИЁРЖОН, набирали РУСТАМ ва ХУМАЙРАнинг фожеали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб ва ушма Марказий кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаб ва ушма кўмитаси раиси Рустам АБДУРАҲМОНОВА онаси Найля БАДИГИНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаб ва ушмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Ғофсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.